

«ТАСДИКЛАНГАН»  
«Kogondonmaxsulotlari»  
Aksiyadordlik Jamiyat  
акциядорлик жамиятийнан  
умуми тағылыштынан



**«Когондонмахсулотлари»  
акциядорлик жамиятийнинг**

**«ИЖРО ОРГАНИ ТҮГРИСИДА» ГИ**

**НИЗОМИ  
(янги таҳрирда)**

Когондонмахсулотлари акциядорлик жамиятийнан тағылыштынан тақдим болған, шартномада көз жардап мекалтиси тағылыштын (шартномада көз жардап мекалтиси тағылыштын) тағылыштын тақдим болған. Болашак шартномада мекалтиси тағылыштын тағылыштын тақдим болған. Бергиз тағылыштын тағылыштын тағылыштын тақдим болған. Болашак шартномада мекалтиси тағылыштын тағылыштын тағылыштын тақдим болған. Болашак шартномада мекалтиси тағылыштын тағылыштын тақдим болған.

Дар бирнеше жылда Астанада тағылыштын тағылыштын тақдим болған. Болашак шартномада мекалтиси тағылыштын тағылыштын тақдим болған.

ДА. Когон шахар-2016 йилде Астанада мекалтиси тағылыштын тақдим болған. Болашак шартномада мекалтиси тағылыштын тағылыштын тақдим болған.

ДА. Когон шахар-2016 йилде Астанада мекалтиси тағылыштын тақдим болған. Болашак шартномада мекалтиси тағылыштын тағылыштын тақдим болған. Болашак шартномада мекалтиси тағылыштын тағылыштын тақдим болған. Болашак шартномада мекалтиси тағылыштын тағылыштын тақдим болған.

**Когон шахар-2016 йил**

## **Акциядорлик жамиятининг ижро органи тугрисида НИЗОМ**

### **I. УМУМИЙ КОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низом «**Когондонмаҳсулотлари**» АЖ ижро этувчи органининг макомини белгилайди ва унинг ишини, тайинлаш тартибини, шунингдек хукук ва мажбуриятларини тартибга солади. Ижро этувчи орган деганда коллегиал ижро этувчи орган тушунилади. Акциядорлар умумий йигилишининг карорига кўра ижро этувчи орган тузилиб, унинг раҳбари (Бошқарув раиси) сайланиб, ваколатлари шартнома бўйича берилиши мумкин. Шартнома шартлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.2. Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ва «**Когондонмаҳсулотлари**» АЖ акциядорлик жамиятининг Уставига мувофик ишлаб чикилган.

### **II. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ**

2.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамият бошқарув раиси томонидан амалга оширилади. Жамият бошқарув раиси – ижро органининг раҳбари хам хисобланади.

2.2. Бошқарув раиси ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгаши карори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини янги бошқарув раиси тайинланишигача булган даврда вактинча бажариб туришига йул кўйилади.

2.3. Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгашининг карорлари бажарилишини ташкил килади.

2.4. Жамият бошқарув раиси ваколатларини муддатидан илгари тугатиш кузатув кенгашининг карорига биноан амалга оширилади.

2.5. Жамиятнинг бошқарув раисининг хукуклар ва мажбуриятлари «Акциядорлик жамиятлари ва уларнинг хукукларини химоя килиш тўгрисида»ги Конуни, бошка конун хужжатлари, жамият устави томонидан хамда у билан бир йил муддатта тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани кайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги) тўгрисида хар йили карор кабул килинади. Жамият номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Жамиятнинг бошқарув раиси акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари хамда акциядорларнинг умумий йигилиши ва кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес режасини бажариш кандай бораётганлиги юзасидан берадиган хисботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим.

2.6. Жамиятнинг ижро органига туланадиган ойлик иш хакки жамият штат жадвали асосида ва бошка хаклар касаба уюшма қумитасининг Баёнига асосан белгиланади.

2.7. Жамиятнинг бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

2.8. Кузатув кенгаши бошқарув раиси билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга хаклидир.

2.9. Кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар жамият уставини купол тарзда бузишга йул кўйган булса ёки уларнинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган булса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) хукукига эга.

2.10. Жамият кузатув кенгаши томонидан жамият бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида карор қабул қилинган тақдирда, жамият ижроия органининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йигилишининг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йигилишида кўриб чиқиши учун колдирилиши мумкин.

### **III. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИНИНГ РАХБАРИ**

3.1. Ижро этувчи орган раҳбари акциядорлик жамияти фаолиятининг барча масалаларини мустакил равишда ҳал килади. Акциядорларнинг умумий йигилиши ёки кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

#### ***3.2. Ижроия орган раҳбари (бошқарув раиси)нинг вазифалари:***

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган холда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, Акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

- Акциядорлар умумий йигилиши ва жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- Акциядорлар умумий йигилиши ва жамият Кузатув кенгашига йиллик бизнес-режа ижроси бўйича, ҳамда ўз ваколатига кирувчи бошқа ишлар бўйича хисботларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- жамият фаолиятини ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

- жамиятнинг барча таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўгрисидаги маълумотлар тақдим этиш;

- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўгрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тўсиқларсиз тақдим этилиши;

- давлат статистика ҳисботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сақланиши, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади;

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

- жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилияtlаридан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

- меҳнат ва технология интизомига риоя қилиниши, ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини таъминлаш ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш;

- жамоа музокораларида ижроия орган вакилларининг иштирокини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида катнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- узоқ муддатли хизмат сафари ва меҳнат таътили вақтини Кузатув кенгаши билан келишиш, ўзи йўқлиги даврида бошқарув раиси вазифасини бажарувчи тўгрисида Кузатув кенгашига ахборот бериш;

- мазкур Низом ва қонунчилик билан ижроия органи ваколатига киритилган бошқа масалаларни амалга ошириш.

#### ***3.3. Бошқарув раиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:***

- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари ҳамда меҳнат шартномаси билан бошқарув раиси ваколатига юклатилган жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалаларни мустакил ҳал этиш;

- акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;
- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблагларини тасарруф қилиш;
  - шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;
  - ишончномалар бериш;
  - банкларда ҳисоб-китоб счёtlари ва бошқа счёtlар очиш;
  - ўзига бўйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруклар ва кўрсатмалар бериш;
  - ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш;
  - жамоа музокараларида Жамият номидан иштирок этиш ва жамоа шартномаларини тузиш;
  - Жамият ходимларини моддий рағбатлантириш;
  - Жамият ходимлардан ички меҳнат тартиби, ҳамда жамиятда амал қилаётган бошқа қоида ва тартибларга, шунингдек меҳнат шартномасига риоя қилишни талаб қилиш. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизомини бузган холатларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш;
  - ходим билан меҳнат шартномаси расмийлаштириш вақтида унинг учун Жамиятнинг хизмат ва тижорат сири деб белгиланувчи ахборотларнинг ҳажми ва таркибини белгилаш;
  - амалдаги конун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотлар улар томонидан олиниши, акциядорларнинг умумий йигилишида катнашиш, дивидендлар хисобланиши ва туланиши бўйича акциядорларнинг барча хукукларга риоя қилиш;
  - мазкур Низом ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа хукуклар.
- 3.4. Ижро этувчи орган раҳбарининг аник хукуклари ва мажбуриятлари у билан тузиладиган меҳнат шартномасида олдиндан келишиб олинади.

#### **IV. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ РАҲБАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 4.1. Агар ижро этувчи орган раҳбари (бошқарув раиси) акциядорлик жамияти томонларидан бири хисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган такдирда, у карор кабул килингунча ўзининг манфаатдорлиги тўгрисида хабар беришга мажбур ва овозга кўйилганда катнашмайди.
- 4.2. Ижро этувчи орган раҳбари (бошқарув раиси) унга хизмат мавкеи билан берилган хукуклардан ўзи меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг максадлари манфаатлари йўлида фойдаланмаслиги керак.
- 4.3. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи раҳбари (бошқарув раиси) акциядорлик жамияти мол-мулкини тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича харакатларга йўл қўймаслиги керак.
- 4.4. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг раҳбари (бошқарув раиси) раҳбарлик даврида фаолияти акциядорлик жамияти маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик келтириб чиқарадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда катнашиш хукукига эга эмаслар. Ижро этувчи орган раҳбари акциядорлик жамиятида лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўгрисида акциядорлик жамияти Кузатув кенгашини хабардор қилмоги лозим.
- 4.5. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи раҳбари (бошқарув раиси) ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган заарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофик акциядорлик жамиятига етказилган заарни коплаш бўйича тўлиқ хажмида акциядорлик жамияти олдида жавоб беради.
- 4.6. Жамият бошқаруви раиси ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

4.7. Агар ушбу модда қоидаларига мувофик бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

4.6. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг бошқарув раиси устидан судга мурожаат қилишга ҳакли.

## «Ходиматчизариф

### Ласичорлик жамиятнинг

аскро органитўғрисида» ги

ни замон

(жадид чархдор)